
БАҒДОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИНИНГ РАСМИЙ БИЛДИРИШИ

12 июнь куни “Mening yurtim” телеканалининг “Марказий студия” кўрсатувида Бағдод туманининг “Самандарак” МФЙ ҳудудида яшовчи тадбиркор маҳалла аҳли учун йўл ва ариқ ўтказётгани, лекин бунга биргина хонадон эгаси норози бўлаётгани ҳақида сўз юритилган лавҳа эфирга узатилди. Ушбу видеолавҳа хусусида туман ҳокимлиги Ахборот хизмати қуйидагиларни маълум қилади:

Мазкур ҳолат тегишли мутасаддилар билан манзилли равишда ўрганилганда, лавҳада келтириб ўтилган вазлар аллақачон ижобий ҳал бўлгани, яъни тадбиркор ташаббуси билан маҳалла аҳолиси учун 300 метр масофа янги йўл ва яна шунча масофада янги ариқ фойдаланишга топширилгани аниқланди. Бунга қаршилиқ билдирган хонадон эгаси билан ҳам ўзаро келишувга эришилган. Бундан ташқари, шу маҳалладаги аҳоли хонадонларининг кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, расмийлаштирилган.

Маълумот учун: лавҳа май ойининг 22-санасида тасвирга туширилган ва айрим техник сабабларга кўра, 12 июнь куни эфирга узатилган. Орадан ўтган фурсат давомида лавҳада тилга олинган ҳолат батамом ижобий ҳал этилган.

2020-06-17 15:35:05